

симпатий.

2. Особенности языковых симпатий. Личные качества поведения отличаются требовательностью по отношению к себе и другим, тактичностью. Характеристика демократичного стиля: держит себя самоуверенно, но доброжелательно. Полностью контролирует группу, замечает ошибку каждого. Часто исправляет их в виде конкретных указаний. Тембр голоса нормальный, сочувственный. Горячность и самоотдача учителя просматривается во время перемены между упражнениями и во время беседы после занятия. Педагог использует множество приемов обращения внимания: конкретные сообщения и замечания. Если педагог серьезный и тактичный, то и ученики стараются выполнять все его требования с усердием.

Либеральный стиль (характеристика):

1. Характеристика особенностей взаимоотношений и общих коммуникативных действий: дает свободу в выборе упражнения и нагрузки. Стараются дать ученику

автономиию.

2. Особенности языковых особенностей: при уделении внимания к урокам выбирает технически сильных учеников. По сравнению с другими стилями организующих сведений в два раза больше.

3. Особенности личностных качеств: верный, скромный, тактичный, не обидчивый, простой во взаимоотношениях.

Стиль педагогических взаимоотношений будущего учителя формируется в первые годы педагогической деятельности на основе устойчивости характера личности. По причине отсутствия основных навыков педагогических взаимоотношений и сейчас используется авторитарный подход в организации взаимоотношений с учениками. Если педагогический коллектив, где начинает свой трудовой путь молодой специалист, оказывается творческим, а наставник опытным педагогом, то процесс формирования самого продуктивного стиля педагогических взаимоотношений пройдет без трудностей.

Литература

1. Таубаева Ш. Научные основы формирования исследовательской культуры учителя общеобразовательной школы. Дисс...д.п.н.: 28.11.01. – Алматы: 2001. –С. 370.
2. Беркимбаев К.М. Болашақ экология мамандарын кәсіби даярлаудағы информатикалық пәндерді оқыту үдерисинин педагогикалық жүйеси. Пед. ғыл. докт. дисс....-Түркістан: 2007, 44- б.
3. Абилкасымова А.Е. Студенттердің танымдық ізденімпаздығын қалыптастыру. Монография. - Алматы: «Билим», 1994. 192-б.
4. Кенжебеков Б.Т. Теоретико–методологические основы профессионального развития личности современного педагога. – Алматы: «Ғылым», 2002. –С. 48.
5. Кеңесбаев С.М. Жоғары педагогикалық билим беруде болашақ мұғалімдерді жаңа ақпараттық технологияларды пайдалана билуге даярлаудың педагогикалық негіздері. Пед. ғыл. докт. дисс.... -Түркістан: 2006, 312- б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг педагогик мулоқоти услуби, ўзаро алоқа қилиш характери ва коммуникатив фаолияти хусусиятлари ёритилган. Талабалар билан мулоқот қилиш жараёнида ўқитувчи сўзининг самарадорлиги унинг педагогик тажрибасини ақс эттириши, унинг психологик, филологик, лингвистик тайёргарлигини, талаблар билан алоқа қила олиш маданиятини, ақлий савиясини кўрсатиши баён қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы педагогического стиля общения будущего учителя английского языка, особенности взаимодействия и общие характеристики коммуникативной деятельности. Эффективность слов учителя в его работе со студентами отражает глубокое понимание его опыта в области педагогики, психологии, филологии, лингвистики, практического опыта обучения студентов, его интеллекта и культуры речи.

SUMMARY

The article deals with the pedagogical style of communication of the future English teacher, the peculiarities of interaction and general characteristics of communicative activity. The effectiveness of the words of the teacher in his work with students reflects a deep understanding of his experience in the field of pedagogy, psychology, philology, linguistics, practical experience in teaching students, his intellect and culture of speech.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАР ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ЙИЛЛИК ДИНАМИКАСИ

Ҳ.З.Бахриддинов - мустақил изланувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Таянч сўзлар: жисмоний маданият, жисмоний тарбия, жисмоний фазилатлар, тезлик, куч, чидамлилиқ.

Ключевые слова: физическая культура, физическое воспитание, физические качества, скорость, сила, выносливость.

Key words: physical culture, physical education, physical qualities, speed, strength, endurance.

Мамлакатимиз ва хориж олимларининг илмий-услубий адабиётлари ўрганиш шундан далолат берадики, умумтаълим мактабларида жисмоний тарбиянинг олиб борилиши бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, Т.С.Усманходжаев, В.К.Бальсевич, В.А.Богданова ва бошқаларнинг ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Жаҳоннинг етакчи таълим муассасалари, асосан, умумий ўрта таълим мактабларидаги жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган таълим муҳитини таъминлайдиган чоралар мажмуаси, саломатлик ва соғлом турмуш тарзи қадриятини шакллантирувчи шароитларни ташкил этишга қаратилган муаммолар ўрганиб келинмоқда.

Аммо мазкур тадқиқот мавзуси доирасида айрим методик тавсияларни инобатга олмасак, ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлаш муаммосини ҳал этишга бағишланган алоҳида монографик тадқиқот амалга оширилмаган, бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади: 14-15 ёшли мактаб ўқувчилари жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикасини аниқлаб, уларнинг жисмоний тарбия дарсларида умумий жисмоний тайёргарлиги йиллик динамикасини ўрганиш.

Тадқиқот усуллари: илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровмаси, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, математик-статистик таҳлил.

Тадқиқотни ташкиллаштириш: Тадқиқотлар Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125, 214, 218-умумтаълим мактаблари, Юнусобод туманидаги 105-умумтаълим мактаби, Наманган вилояти Поп туманидаги 1, 4, 6, 37 ва 38-умумтаълим мактаблари, Чуст туманидаги 43-умумтаълим мактабида таҳсил олувчи ўқувчилар ўртасида ўтказилган. Тадқиқотларда 500 дан ортиқ мактаб ўқувчилари иштирок этган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.

Тезлик жисмоний сифатини ўрганиш бўйича умумтаълим мактабларида таълим олувчи 14 ёшли ўқувчиларнинг 60 м масофага югуриш назорат

машқлари натижалари ўқув йили бошида ўртача $11,6 \pm 1,3$ сонияга тенг бўлган бўлса, ўқув йили охирида бу кўрсаткич ўртача $11,3 \pm 1,1$ сонияга тенг ($V\%9,7$). Бу ёшдаги ўқувчиларнинг тезлик сифатлари жисмоний тайёргарлик натижаларининг йиллик ўсиши фарқи $0,3$ см.га тенглигини аниқланди ($7,41\%$). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги мавжуд эмас ($p>0,05$) (1-жадвалга қаранг).

Тезкор-куч жисмоний сифатини аниқлаш бўйича назорат машқларидан теннис тўпини улоқтириш машқларининг йил бошидаги ўртача $28 \pm 3,1$ м га ва ўқув йили охирида $29,5 \pm 2,0$ м га тенг натижаси жисмоний тайёргарлик ҳолати аниқланди. Мазкур аниқланган натижалар "Алпомиш" ва "Барчиной" тест меъёрлари талабларига жавоб бермайд.

Чидамлилиқ сифатининг ривожланганлик ҳолатини аниқлаш бўйича ўтказилган назорат тестлари натижаси 2000 м га югуришда а йил бошида ўртача $11,5 \pm 1,4$

дақиқа, бўлган бўлса, йил охирига келиб бу натижалар $11,2 \pm 1,2$ дақиқа, демак $0,3$ фарқи билан $7,39\%$ га ошганилиги кузатилди ($p>0,05$).

Югуриб келиб узунликка сакраш назорат машқлари 9 синф ўқувчиларида ўқув йили бошида $175 \pm 9,74$ см бўлган бўлса, йил охирида $185 \pm 7,59$ см га яни $5,71\%$ ўсганлиги аниқланди.

Турникда тортилиш назорат мезонларидаги натижалар ўқув йили бошида $4 \pm 0,86$ марта бўлган бўлса, йил охирига келиб бу натижалар $5 \pm 0,63$ мартага етга, тортилиш 1 та фарқи билан 125% ортганлиги аниқланди. Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқ ишончлилиги йўқ ($>0,05$).

"Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тестларидаги турган жойидан узунликка сакраш машқларида бўйича йил бошида $145 \pm 5,95$ см, йил охирида $155 \pm 4,81$ см натижалар кўрсатилди.

1-жадвал

14 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси (n=267)

Т/р	Назорат машқлари ва ўлчам бирлиги	УИБ		УИО		Фарқи	%	t	p
		X±a	V%	X±a	V%				
1.	60 м га югуриш (с)	$11,6 \pm 1,3$	11,2	$11,3 \pm 1,1$	9,7	0,3	7,41	1,14	$>0,05$
2.	2000 м га югуриш (дақиқа)	$11,5 \pm 1,4$	12,1	$11,2 \pm 1,2$	10,7	0,3	7,39	1,14	$>0,05$
3.	Турникда тортилиш (марта)	$4 \pm 0,86$	21,5	$5 \pm 0,63$	12,6	1	125	1,14	$>0,05$
4.	Югуриб келиб узунликка сакраш (см)	$175 \pm 9,74$	5,5	$185 \pm 7,59$	4,1	10	5,71	1,14	$>0,05$
5.	Жойдан узунликка сакраш (см)	$145 \pm 5,95$	4,1	$155 \pm 4,81$	3,1	10	6,89	1,14	$>0,05$
6.	Теннис тўпини улоқтириш (метр)	$28 \pm 3,1$	11,0	$29,5 \pm 2,0$	6,7	1,5	5,35	1,14	$>0,05$

Изоҳ: УИБ – ўқув йили бошида, УИО – ўқув йили охирида.

Юқори синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги бўйича ёш хусусиятларини таҳлил қилиш ва 9-синф ўқувчиларининг чидамлилиқ қобилиятларини ўрганиш учун 2000 м. масофага югуриш назорат тест синовлари қабул қилинди, бу назорат тест натижаларига кўра ўқув йили бошида ўртача $11,1 \pm 1,2$ дақиқага ($V\%10,8$), ўқув йили охирида $10,9 \pm 0,91$ дақиқага ўзгарганлигини аниқланди ($V\%8,3$).

Умумтаълим мактабларидаги жисмоний тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган 15 ёшли ўқувчиларнинг 60 м масофага югуриш назорат машқлари натижалари ўқув йили бошида ўртача $11,2 \pm 1,1$ сонияга тенг бўлган бўлса, ўқув йили охирида бу кўрсаткич ўртача $11,0 \pm 0,89$ сонияга тенг бўлди ($V\%8,0$). Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик натижаларига кўра тезлик сифатлари йиллик ўсиши фарқи $0,2$ см га тенглиги аниқланди ($8,21\%$). Йил боши ҳамда йил охиридаги натижалар орасида статистик фарқлар ишончлилиги мавжуд эмас ($p>0,05$), (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

15 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси (n=248)

Т/р	Назорат машқлари ва ўлчам бирлиги	УИБ		УИО		Фарқи	%	t	p
		X±a	V%	X±a	V%				
1.	60 м.га югуриш (с)	$11,2 \pm 1,1$	9,0	$11,0 \pm 0,89$	8,0	0,2	8,21	1,14	$>0,05$
2.	2000 м.га югуриш (дақиқа)	$11,1 \pm 1,2$	10,8	$10,9 \pm 0,91$	8,3	0,2	8,19	1,14	$>0,05$
3.	Турникда тортилиш (марта)	$4 \pm 0,96$	24	$5 \pm 0,75$	15	1	125	1,14	$>0,05$
4.	Югуриб келиб узунликка сакраш (см)	$170 \pm 8,42$	4,9	$190 \pm 6,24$	3,2	20	1,76	1,14	$>0,05$
5.	Жойдан узунликка сакраш (см)	$150 \pm 5,74$	3,8	$160 \pm 3,85$	2,4	10	6,66	1,14	$>0,05$
6.	Теннис тўпини улоқтириш (метр)	$30 \pm 2,4$	8	$33,4 \pm 1,1$	3,4	2	1,33	1,14	$>0,05$

Изоҳ: УИБ – ўқув йили бошида, УИО – ўқув йили охирида.

"Алпомиш" ва "Барчиной" махсус назорат тестлари-га кўра 9-синф ўқувчиларида югуриб келиб узунликка сакраш натижалари йил бошида $170 \pm 8,42$ см. бўлган бўлса, йил охирида $190 \pm 6,24$ см етди га 20% яъни ўсиш кузатилди.

Турникда тортилиш бўйича назорат тестларидан қуйидаги натижалар олинди. Ўқув йили бошида $4 \pm 0,96$ марта, ўқув йили охирида $5 \pm 0,75$ марта, ишончлилиқ ($p>0,05$) тенг.

Ҳар хил даражадаги индивидуал қобилият ва тайёргарликка эга бўлган 15 ёшли ўқувчилардан теннис тўпини улоқтириш назорат машқлари қабул қилинганда, ўқув йили боши ва охиридаги натижалар $30 \pm 2,4$ м дан $33,4 \pm 1,1$ м га ортган ($V\%3,4$). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқи ишончлилиги мавжуд эмас.

Турган жойидан узунликка сакраш назорат машқлари 9 синф ўқувчиларининг таҳлили ўқув йили

бошида $150 \pm 5,74$ см, йил охирида $160 \pm 3,85$ см. натижалар билан бажаришди. Ўқувчиларнинг тезкор-куч сифатлари жисмоний тайёргарлик натижаларининг йиллик ўсиши фарқи 10 см.га ортганлиги аниқланди ($p>0,05$) тенг.

Хулосалар: Ўтказилган илмий-услубий адабиётлар таҳлили натижаларига кўра 5-9-синфларда ўтказиладиган жисмоний тарбия дарслари жараёнида ўқувчи-ларни ҳаракат амалларига ўргатиш ва жисмоний қобилиятларини ривожлан-тиришда қўлланиладиган восита ва усулларни шуғулланувчи-ларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш зарурати юзага келган.

Жисмоний тайёргарлиги ҳар хил бўлган ўқувчиларига жисмоний тарбия дарсларини ўтишда уларнинг саломатлигини сақлаш ва умумий жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашга қаратилган услубият ишлаб чиқиш керак.

Адабиётлар

1. Антонюс Д. Влияние дифференцированных режимов двигательной активности на физическую подготовленность и физическое развитие подростков, обучающихся в школах различного типа. Дис. канд. пед. наук. – М., 1991. – 246 с.
2. Бальсевич В.К., Лубышева Л.И. Физическая культура: молодежь и современность //Теор. и практ. физ. культ, - Т., 1995.
3. Богданова В.А. Дифференцированный подход в физкультурном образовании младших школьников. Автореф. дис. кан.

пед. наук. Тюмень, 2001. - 22 с.

4. Гончарова О.В. Болалар жисмоний сифатларини тарбиялаш. – Т.: Ilmiy texnika axboroti press nashriyoti, 2018. – 204 б.

5. Горский М.Г. Адаптация учащихся младших классов в школе средствами акцентированного двигательного режима: Автореф. дис. канд. пед. наук. – Екатеринбург, 1993. – 22 с.

6. Губа В.П. Оценка физического развития детей по данным морфологических наблюдений // Теория и практика физической культуры, №3. – М., 1998. – С. 32-33.

7. Гужаловский А.А. Развитие двигательных качеств у школьников. – Минск: Нар.расцвет, 1978. – С. 88.

8. Лях В.И. Сенситивные периоды развития координационных способностей детей в школьном возрасте // Теория и практика физической культуры, №3. – М., 1990. – С.15-17.

9. Сухарев А.Г. Здоровье и физическое воспитание детей и подростков // Школа здоровья, №1. – М., 1998. Т.4. – С. 7 - 14.

10. Усманходжаев Т.С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью. Автореф. дис. д-ра пед. наук. – Т., 1995. – 42 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада 14-15 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг тезкорлик, кучлилик, тезлик ва чидамлилиги каби жисмоний хусусиятларининг йиллик динамикаси кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ

В этой статье рассматривается годовая динамика физических характеристик, таких как ловкость, сила, скорость и выносливость среди старшеклассников в возрасте 14-15 лет

SUMMARY

The article examines the annual dynamics of physical characteristics of students aged 14-15 in high school, such as speed, strength, speed, strength and endurance.

5-7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УМУМИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ЙИЛЛИК ДИНАМИКАСИ

Х.З.Бахриддинов - мустақил изланувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Таянч сўзлар: жисмоний тайёргарлик, тезлик, куч, тезкор куч, чидамлилиги, жисмоний сифатлар.

Ключевые слова: физическая подготовка, скорость, сила, скоростно-силовой, выносливость, физические качества.

Key words: physical, training, speed, strength, speed-strengthening, endurance, physical qualities.

Бугунги кунда асосий эътибор жаҳонда таълимни модернизациялаш, шахсни маънавий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда таълим жараёнининг сифатини оширишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Хусусий мактабларда эса ўқув дастурларини танлаш давлат мактабларига нисбатан эркин бўлганлиги сабабли турли педагогик муқобилларнинг апробацияси ўтказиб турилади.

Соғломлаштиришга йўналтирилган жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштириш муаммолари Д.Антонюс, М.Г.Горский ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигида ёш хусусият-ларининг таҳлили А.А.Гужаловский, В.И.Лях, А.Г.Сухарев, В.П.Губа, С.С.Тажибаев, О.В.Гончарова ва бошқаларнинг ишлари орқали ўрганилди.

Жаҳоннинг етакчи таълим муассасаларида, асосан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларининг жисмоний тарбия машғулоти жараёнида ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган таълим муҳитини таъминлайдиган чоралар мажмуаси саломатлик ва соғлом турмуш тарзи қадриятини шакллантирувчи шароитларни ташкил этишга қаратилган муаммоларни ўрганиб келинмоқда.

Аммо мазкур тадқиқот мавзуси доирасида айрим методик тавсияларни инобатга олмасак, ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлаш муаммосини ҳал этишга бағишланган алоҳида монографик тадқиқот амалга оширилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади: 11-13 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тадқиқот объекти: 11-13 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарси жараёни.

Тадқиқот предмети: 11-13 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида умумий жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикасини ўрганиш.

Тадқиқот усуллари: илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, математик статистик таҳлил.

Тадқиқотни ташкиллаштириш: Тадқиқотлар Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125, 214, 218-умумтаълим мактаблари, Юнусобод туманидаги 105-умумтаълим мактаби, Наманган вилояти Поп туманидаги 1, 4, 6, 37, ва 38-умумтаълим мактаблар, Чуст туманидаги 43-умумтаълим мактабида таҳсил олувчи ўқувчилар ўртасида ўтказилган. Тадқиқотларда 800 дан ортиқ мактаб ўқувчилари иштирок этган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.

Умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи 11 ёшли ўқувчиларнинг 60 м.га масофага югуриш бўйича натижалари ўқув йили бошида $12,3 \pm 1,3$ сонияга тенг бўлган (1-жадвалга қаранг). Ўқув йили охирига эса бу кўрсаткич ўртача $12,2 \pm 1,1$ сонияга тенг. Ушбу ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик натижаларининг йиллик ўсиши фарқи 0,1 см.га тенглигини аниқланди (9,18%). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги мавжуд эмас ($p > 0,05$).

1-жадвал

11 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси (n=256)

Т/р	Назорат машқлари ва ўлчам бирлиги	ЎИБ		ЎЙО		Фарқи	%	t	p
		X±σ	V%	X±σ	V%				
1.	60 м.га югуриш (с)	12,3±1,3	10,5	12,2±1,1	9,0	0,1	9,18	1,14	>0,05
2.	1500 м.га югуриш (с)	10,20±0,59	5,7	10,08±0,51	5,0	0,12	8,82	1,35	>0,05
3.	Турникда тортилиш (марта)	3±0,44	14,6	4±0,40	10	1	3,33	1,24	>0,05
4.	Югуриб келиб узунликка сакраш (см)	140±8,51	6,0	150±7,12	4,7	10	7,14	1,67	>0,05
5.	Жойдан узунликка сакраш (см)	120±6,24	5,2	130±5,56	4,2	10	8,33	1,53	>0,05
6.	Теннис тўпини улоқтириш (метр)	16±1,2	7,5	17±1,0	5,8	1	6,25	1,21	>0,05

Изох: УИБ – ўқув йили бошида, УЙО – ўқув йили охирида.